
Алишер Навоий - миллат қуёши

Сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги муносабати билан Риштон тумани маданият саройида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда Риштон тумани ҳокими ўринбосари З. Умаров, туман маънавият ва маърифат бўлими ходимлари, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамда Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги муносабати билан ўтказилган танлов ғолиблари иштирок этишди.

Тадбирда Алишер Навоийнинг маънавий мероси, ижодининг жаҳон сахнасида тутган ўрни ва ёшлар тарбиясидаги муҳим жиҳатлари хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида туман маданият бўлими хонанда ва созандалари томонидан тайёрланган бадий-муסיқий чиқишлар барчага бирдек манзур бўлди.

Тадбир давомида шунингдек, Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги муносабати билан ўтказилган танлов ғолиблари фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Тадбирда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари ижросидаги турфа рақс ва ғазаллар томошабинларнинг давомли олқишига сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, Навоий яратган ўлмас асарлар туганмас маънавий мулк сифатида абадий қолди. Ўзбек халқи бу бой мерос билан ҳақли равишда дунёдаги буюк адабиёт яратган миллатлар қаторидан жой олди.

2022-02-09 14:42:53